



Жанубий

ҚОЗОҒИСТОН

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 4 апрель, пайшанба, №37 (3383).

» Президент

СУВ ТОШҚИНИ: ЗАРАР ТЎЛИҚ ҚОПЛАНАДИ

ДАВЛАТ РАҲБАРИ РЕСПУБЛИКА
ШТАБИНИНГ ЙИҒИЛИШИНИ
ЎТКАЗДИ



Президент Қасим-Жумарт Тўқаев раислигида Сув тошқинларига қарши чора-тадбирларни мувофиқлаштириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш борасидаги Республика штабининг йиғилиши ўтди.

– Бу йилдаги каби сув тошқинлари сўнгги 30 йилда кузатилмаган, энг йирик сел юз берган 2012 ва 2017 йиллардаги даражадан ошиб кетди. Бу нима дегани? Тегишли соҳа мутахассислар етишмаслиги сабабли тахминлаш ишлари мутлақо олиб борилмаган. Агар ҳокимликлар томонидан ҳар йили сув тошқинларига қарши режалаштирилган барча чора-тадбирлар об-ҳаво шароитини инобатга олган ҳолда етарли даражада амалга оширилганида, офатнинг оқибатлари ва кўлами бунчалик катта бўлмас эди. Демак, ҳокимликлар бу ишлар билан бирга, кўнгиллилар ва лекин ҳозир ҳам тошқин хавфи йўқолди, дея олмаيمиз. Шу боис, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Қуролли Кучлар, Миллий хавфсизлик қўмитасининг барча куч ва воситаларини, жумладан, шахсий ва техника захираларини бу ишга сафарбар этиш зарур. Шу билан бирга, кўнгиллилар ва ёрдам бериш истагида бўлган фуқароларни жалб қилиш даркор. Бироқ, энг муҳими – давлат органларининг ҳаракатлари. Вазият кутилмаганда кескинлашиши мумкин. Ҳозирда асосий вазифа инсоний талофатларнинг олдини олишдир. Бу борада илгари йўл қўйилган хато ва камчиликларни инобатга олишимиз даркор, – деди Президент.

Қасим-Жумарт Тўқаев Ҳукумат, ваколатли давлат органлари ва вилоятлар ҳокимлигига қатор топшириқлар берди.

– Сув тошқинидан жабрланганларга барча зарур ёрдам кўрсатилсин. Бунинг учун нафақат Ҳукумат ва ҳокимликларнинг

захираларидан, балки “Қозоғистон халқига” жамғармаси маблағларидан ҳам фойдаланиш зарур. Ана шундай масъулиятли паллада юртимиздаги бизнес вакилларини халққа ёрдам қўлини чўзишга чақираман. Табиий офатдан жабр кўрган фуқаролар ва ҳудудларга имкон қадар ёрдам кўрсатилиши керак. Бу ҳозир барча учун умумий вазифадир. Ғарбий вилоятларда сув тошқинидан катта зарар кўрган йирик корхоналар кўп. “Самұрық-Қазына” жамғармасига қарашли компаниялар, ер қарьини ўзлаштирувчилар бор. Улар халққа ёрдам бериб, бузилган инфратузилмани тиклашда иштирок этишига ишончим комил, – деди Давлат раҳбари.

Президент Ҳукумат эътиборини сув босган ҳудудларда ижтимоий аҳамиятга молик хизматлар ва озик-овқат маҳсулотлари нархи ошишининг олдини олиш муаммосига қаратди.

– Сув тошқинлари ва ёнгинлар ҳар йили такрорланади. Масъул органлар ва филиал хизматларининг (“Қазсунар”, “Қазгидромет”) лойиҳа ва экспертиза ишлари тегишли даражада ташкил этилмаган. Бизда одатда, чоралар вазият юзага келгандан кейин амалга оширилади. Шунинг учун бизга инқирозли вазиятларни башорат қилишнинг амалий дастаги керак. Рақамли тараққиёт вазирлиги Экология, Сув ҳўжали ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари билан биргаликда йил охиригача барча юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни (сув тошқини, ёнгин ва ҳ.к.) олдиндан аниқлаш имко-

нини берувчи ахборот тизимини, тахминлар, тавсиялар ва ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқсин. Дарвоқе, Ҳукумат ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, биринчи навбатда, вилоят ҳокимлари ёзги мавсумга шай бўлиши керак. Ёнгин ёки бошқа табиий офатлар эҳтимолдан холи эмас. Ҳозиргидек бепарво бўлмаслик, олдиндан ҳаракат қилиш керак. Шу билан бирга, мамлакатнинг шарқий ҳудудларида сув тошқинларининг олдини олиш борасида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва «Қазақстан Ғарыш Сапары» миллий компаниясининг биргаликдаги иш тажрибасидан фойдаланиш мумкин, – деди Қасим-Жумарт Тўқаев.

Президент оқва сувлардан қишлоқ ҳўжалиги мақсадларида фойдаланиш бўйича режа ишлаб чиқиш ва самарали чора-тадбирлар юритиш бўйича топшириқлар берди. Унга кўра, ҳокимликлар аҳоли манзилларида эриган қор сувларини дарё ўзанлари ёки сув омборларига йўналтиришлари керак.

Давлат раҳбари Ҳукумат томонидан тасдиқланган 2030 йилгача сув захираларини бошқариш тизимини ривожлантириш концепциясини танқид қилди. Унга кўра, концепцияни амалга ошириш юзасидан тайёрланган чора-тадбирлар режаси расмий ҳусусиятга эга. Ҳужжат сув тошқинлари оқибатида юзага келадиган талофатларнинг олдини олиш ва камайтириш масаласини мажмуавий ҳал қилиш имконини бермайди. Шунинг учун концепцияни қайта кўриб чиқиш вазифаси қўйилди.

– Ваколатли муассасалар, яъни ҳокимликлар, Фавқулодда вазиятлар ҳамда Сув захиралари вазирликлари ҳамкорлик қилмайди. Масъулиятни ўз зиммасига олишдан қочади. Улар

ишни сансалорликка солишади. Агар ҳолат шундай давом этса, мутасадди ходимлар эгаллаб турган лавозимдан озод этилиши керак. Ёнғ муҳим мезон – бу давлат хизматчиларининг самардорлиги. Давлат органлари ва ҳокимликлар ўртасида аниқ ва доимий алоқа тизими мавжуд эмас. Тегишли вазирлик мамлакатнинг табиий офатларга тайёргарлигини назорат қилиши керак. Вазирликнинг асосий мақсади ҳам шу. Бу масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Вазирлик гидротехник ва бошқа муҳим иншоотларнинг ҳолатини текшириб, тўғри маълумот бериши зарур, – деди Президент.

Давлат раҳбари тошқинлар муаммоси бўйича халқаро тажрибани, бошқа давлатлар ёмғир сувидан қандай фойдаланаётганини пухта ўрганиш зарурлигини таъкидлади.

Учрашувда Қасим-Жумарт Тўқаев мамлакатда сув захиралари ва ирригация соҳаларида техник мутахассислар етишмаслигига эътибор қаратди. У Ҳукуматга бу борада шошилинч қарор қабул қилишни топширди.

Йиғилишда Бош вазир Ўлжас Бектенов, Фавқулодда вазиятлар вазири Шинғис Аринов, Ақтўбе вилояти ҳокими Асхат Шахаров, Ғарбий Қозоғистон вилояти ҳокими Нариман Тўреғалиев, Қўстанай вилояти ҳокими Қумар Ақсақалов, Шарқий Қозоғистон вилояти ҳокими Ермек Кўшербаев, Қарағанди вилояти ҳокими Ермаганбет Бўлекпаев, Ақмўла вилояти ҳокими Марат Ахметжанов, Шимолий Қозоғистон вилояти ҳокими Ғауез Нурмуханбетов, Улитов вилояти ҳокими Берик Абдигалиули ва Абай вилояти ҳокими Нурлан Уранхаев маъруза қилишди.

Akorda.kz



БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ОЧИҚ ВА МАҚСАДЛИ САРФЛАНИШИ ЗАРУР

ДАВЛАТ РАҲБАРИ ОЛИЙ АУДИТОРЛАР ПАЛАТАСИ
РАИСИ АЛИХАН СМАИЛОВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Қабул чоғида давлат аудити ва молиявий назорат тизими самардорлигини янада ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Президент Олий аудиторлар палатасига республика ва маҳаллий миқёсда бюджет маблағлари ва давлат активларидан самарали ва оқилона фойдаланиш устидан назоратни таъминлаш вазифаси юкланганини таъкидлади.

Алихан Смайлов давлат аудити тизимини янада ривожлантириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди, шунингдек, палатанин жорий йилги режаси ҳақида маълум қилди.

Қасим-Жумарт Тўқаев Алихан Смайлов бой тажриба ва касбий маҳоратга эга мутахассис эканлигини таъкидлаб, зиммасига юкланган вазифаларни самарали бажаришига ишонч билдирди.

Akorda.kz

» Тайинлаш



АЛИХАН СМАИЛОВ ҚР ОЛИЙ АУДИТОРЛАР ПАЛАТАСИ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ

ҚР Президентининг 520-сонли фармони (1 апрель, 2024 йил) билан Қозоғистон Республикасининг собиқ Бош вазири Алихан Смайлов Қозоғистон Республикаси Олий аудиторлар палатаси раиси лавозимига тайинланди.

Akorda.kz

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА МУЗОКАРАЛАР ЎТКАЗИЛДИ

Минтақа раҳбари Дархан Сатибалди бошчилигидаги Туркистон вилояти делегацияси Жанубий Кореяда хизмат сафари билан борди.



Ташриф доирасида минтақа делегацияси Қозоғистоннинг Кореядаги элчиси Нурғали Аристанов ҳамда Корея халқаро савдо уюшмаси президенти Юн Жин билан мулоқотда бўлдилар. Томонлар ўзаро муносабатларни ривожлантиришга қаратилган муҳим масалаларни муҳокама қилиб, ҳамкорлик юзасидан музокаралар олиб боришди.

КІТА қарийб 80 йиллик тарихга эга бўлган етакчи бизнес ташкилот бўлиб, Корея кичик ва ўрта бизнесининг ташқи бозорларга чиқишига кўмаклашмоқда ва мамлакатда савдо-сотик тараққиётига хисса қўшмоқда. 70 мингдан ортик компанияни бирлаштирган Кореянинг энг йирик бизнес ҳамжамияти дунёнинг 66 давлатидаги 232та ташкилот билан ҳамкорлик қилади. Ҳамжамиятнинг Қозоғистондаги ҳамкорлари “Kazakh Invest” МК ҳисобланади.

КІТА фаолиятига хорижий маркетинг ва сармояларни қўллаб-қувватлаш, халқаро ҳамкорликни рағбатлантириш, савдо маълумотлари ва тадқиқотларини тақдим этиш, халқаро савдо соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва тегишли маслаҳатлар кирати.

Корея халқаро савдо ҳамжамияти заргарлик буюмлари, ичимликлар индустрияси, косметология, озик-овқат саноати, уй-рўзгор буюмлари, гўзаллик салонлари, уй безаклари ишлаб чиқариб ҳамда эстетик тиббиёт соҳаларида фаолият юритади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

• Обуна–2024

Қадрли газетхон!

“Жанубий Қозоғистон” рўзномасига обуна бошланди.

Ҳиммат кўрсатаман, деганлар нафақадорлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни газетага обуна қилишда ҳомийлик қилишлари мумкин.

Ягона мақсадимиз – газетанин

ададини ошириб, кейинги авлодга ёруғ юз билан етказиш. Бунинг учун миллий гурури юксак инсонлар сафни кенгайтириш лозим. Ана шу эзу мақсад йўлида барчамиз бир тан, бир жон бўлиб, аҳилликда бирлашсак, нур устига аъло нур бўларди. Токи тарих, маданият, маърифатни улуглаган халқимизнинг зиёга чанқоқлиги барчага ибрат бўлсин.



6 ойда обуна баҳоси:
«Қазпошта» ҲЖ орқали – Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге;
Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

МАЙ ОЙИ ТАҚВИМИ

“Қозоғистон Республикасининг байрамлари тўғрисида” Қонунининг 3-моддасига мувофиқ, қозоғистонликлар май ойида учта байрамни нишонлайдилар: 1 май – Қозоғистон халқи бирлиги байрами; 7 май – Ватан ҳимоячилари кун; 9 май – Ғалаба кун. Барча байрамлар ҳафтанин ўрталарига тўғри келади (1 май – чоршанба, 7 май – сешанба, 9 май – пайшанба). Шунинг учун қозоғистонликлар бир кун ишлаб, эртасига дам олади. Ҳозирча вазирлик байрам кунларини ўзгартириш бўйича ҳеч қандай қарор қабул қилмади.

Чунончи, 5 кун ишлайдиганлар 1 майда дам олиб, 2-3 май кунлари ишлашади, 4-5 май (шанба-якшанба) дам олади. 6 май, душанба кун ишлайди ва 7 майда дам олади, 8 май кун яна ишга чиқишади ва 9 май кун дам олади. 10 май, жума кун ишга чиқиб, 11-12 май кунлари дам олишади.

Олти кунлик иш ҳафтасида 1 май – дам олиш, 2, 3, 4 май – иш, 5 май – дам олиш, 6 май – иш, 7 май – дам олиш, 8 май – иш, 9 май – дам олиш, 10, 11 май – иш, 12 май – якшанба кун.

24.kz

▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

»» Қозоғистон Республикаси
маслаҳатларига – 30 йил

ХАЛҚ НОИБЛАРИНИНГ ЭЗГУ ИШЛАРИ



“Хайрли ишнинг савоби кўп”, шу боис, бугун вилоят маслаҳати депутатлари А. Умбеталиев, Т. Қалмуратов, Ғ. Қапалбаевнинг хайрли ишларига тўхталамиз.

Туркистон вилоят “АМАНАТ” партияси филиали раиси, вилоят маслаҳати депутати А. Умбеталиев кўплаб эзгу ишларнинг ташаббускори. Жумладан, фарзандининг даволаниши, маиший эҳтиёжлари учун ёрдам сўраб келган фуқароларга доимо ёрдам кўрсатиб келади. Шунингдек, партия филиали томонидан “Маслаҳат СҮР”, “АМАНАТ АҚУЛМАН” ўйинлари голибларини тақдирлашга шахсан ҳомилик қилган. Болаларни химоя қилиш кунда Болалар уйи тарбияланувчиларига байрам тўхфаси тайёрлаб, “Мактабга йўл” акциясига ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Оғир дардга чалинган болаларнинг орзуларини рўёбга чиқарди,

100 ёшдан ошган онахонларнинг фотиҳасини олиб, моддий ёрдам кўрсатди.

Туркистон вилоят маслаҳати депутати Т. Қалмуратов 119 млн. тенгелик лойиҳани амалга оширмоқда. Чунончи, Тўлебий туманидаги Қаратўбе, юқори Оқсув, Тасариқ, Кўксаёқ, Зертас қишлоқларидаги 12та аҳоли манзилни тоза ичимли сув билан таъминлашга ҳисса қўшиб, тегишли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, депутатнинг саъй-ҳаракати билан Дарбаза дарасидаги тоза сув манбаини Бақирауқ булоғига улаш учун 4500 метр қувур харид қилинди. Ҳозирда тегишли ҳужжатлар тайёрланмоқда. Иншоот жорий йилнинг сўнггида фойдаланишга топширилади.

Халқ ноиби Ғ. Қапалбаев Байдибек туманидаги 11та қишлоқ аҳолисига жами 60 тонна пиёз тарқатди. Бундан ташқари, депутатнинг ташаббуси билан амалга оширилган хайрли ишлар ҳам кўп. Қишлоқда ўтказиладиган спорт тадбирларини доим қўллаб-қувватлайди. Халқ билан учрашиб, уларнинг тақлиф ва истақлари амалга оширилишига ёрдамлашади.

Туркистон вилоят
маслаҳати.

Туркистон вилояти ишбилармонлари чакана солиқ миқдорини 4 фоиздан 2 фоизга туширишни илтимос қилишди.

Вилоят тадбиркорлар палатаси идорасида солиқ солиш тартибини соддалаштиришга бағишланган тадбир уюштирилиб, унда тадбиркорлар ҳам иштирок этди. Уларнинг тақлифлари маслаҳатга йўланди. Шундай қилиб, вилоят ҳудудидаги шаҳар ва туман миқёсидаги маслаҳат депутатлари ёрдамида тадбиркорларни

қийнаётган масала ечимини топди. Энди Туркистон вилоятидаги тадбиркорлар махсус солиқ тартибини 2 фоиз чегирма билан тўлашлари мумкин.

Вилоят марказидаги “Rizo burger” тез овқатланиш маркази соҳиби Дастан Мами-

шев 20дан зиёд одамни иш билан таъминлаган. Унинг айтишича, солиқ миқдорини камайтириш нафақат тадбиркорлар, балки истеъмолчиларга ҳам фойдалади. Шу тўғрйли таомлар баҳосини ўртача нархда белгилаш имкони бор, деган фикрда.

ХЎЖАЛИКЛАРГА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ



Вилоятда минтақа раҳбарининг топшириғига кўра, махсус ишчи гуруҳ тузилиб, туманларда қишлоқ хўжалик соҳасидаги имтиёзлар юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Навбатдаги учрашув Чордара ва Жетисай туманида ўтиб, унда вилоят ҳокими ўринбосари Ермек Кенжеханули, туман ҳокимлари Арман Қарсибаев, Серик Мамитов, қишлоқ хўжалиги соҳасини субсидиялаш, насиялаш ва бошқа ёрдам кўрсатиш соҳаси вақиллари, муассасалар ҳамда туманлар хўжалиқларининг раҳбарлари иштирок этди.

Фуқаролар томонидан имтиёзли насия бериш, ПУИД-2 дастури масаласи, субсидияларнинг ҳаммабоплиги, “Ырыс” кичик молия ташкилоти масаласи, коммунал мулкдаги каналларни “Қазсушар” муассасаси тасарруфига ўтказиш, оқар сув тарифи ва уни субсидиялаш, минерал ўғитлар ва бошқа масалалар кўтарилди.

Учрашувда “Ырыс” МЧБ раҳбари Мухит Минбаев маъруза қилиб, насиялашга доир саволларга жавоб берди.

СОЛИҚ ИККИ ФОИЗГА КАМАЙТИРИЛДИ



МАХСУС ИШЧИ ГУРУҲ – ЎРДАБОШИДА

Ўрдабоши туманида вилоятда ташкил этилган агросаноат мажмуасидаги давлат имтиёзларини тарғиб қилиш ҳамда тушунтириш бўйича ишчи гуруҳ аҳоли билан учрашди.

Йиғилишда қишлоқ ҳокимлари, мутасадди бўлимлар вақиллари, ёқилғи тарқатувчи операторлар ҳам қатнашди.

Ишчи гуруҳ таркибида вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасининг раҳбари Нурбек Бадирақов (гуруҳ етакчиси), “Қазсушар”, “Тўран су” муассасаси, “Аграр насия корпорацияси” ХЖ, “Ырыс” КМТ МЧБнинг вақиллари бор.

Учрашувни туман ҳокими Азат Ўралбаев олиб борди.

Гуруҳ аъзолари сув тежаш технологияси фойдаланувчиларига давлат томонидан бериладиган субсидиялар ҳақида маълумот берди. Учрашувнинг иккинчи қисми савол-жавоб шаклида ўтиб, деҳқонлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар олишди. Сўнг гуруҳ вақиллари фуқароларни шахсий масалалар бўйича қабул қилди.



30 ТОННА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ЖЎНАТИЛДИ

Юртимизнинг бир қанча минтақасида рўй берган сув тошқини муносабати билан вилоят “Ёшлар имконият маркази” биносида 27 мартдан бошлаб гуманитар ёрдам қабул қилиш штаби фаолият юритмоқда.

Шу билан бирга вилоятимизнинг барча туман, шаҳарларида штаблар ташкил этилиб, аҳолидан келаётган ёрдамларни қабул қилишмоқда. Сув тошқинидан жабрланганларга ёрдам қўлини чўзган кўнгиллилар ҳамда вилоят аҳолиси эзгу ишга

ҳиссаларини қўшмоқда. Табиий офатнинг дастлабки кунидан бошлаб вилоят аҳолиси, маслаҳат депутатлари, саховатпеша ҳамюртларимиз турмушдаги энг зарур ва йўлга яроқли буюмлар билан таъминлашди. Биринчи юк машинаси Ақтўбеге етиб борди.

Кун кеча Туркистон вилоятдан гуманитар ёрдам ортлган иккинчи қарвон йўлга чиқди. Туркистонликлар 30 тоннага яқин озиқ-овқат, кийим-кечак, кўрпа-тушак, маиший буюмлар жўнатди.

ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ МУАММОЛАР МУҲОКАМАДА



Сайрам тумани ҳокими Арман Сабитов ўтказган девон мажлисида икки масала муҳокама қилинди.

Йиғилишда сўзга чиққан Сайрам тумани санитария-эпидемиология назорати бўлими бошлиғи Талғат Аримбаев “Қарабулак” туман шифохонасидаги қатор долзарб масалаларга тўхтади. Хусусан, 2022, 2023, 2024 йиллардаги юқумли касалликларнинг кўрсаткичи, 2023 йилда эмлаш йўли би-

лан назорат қилинадиган хасталиклар ҳисобини юритиш, 2023-2024 йилларда мажбурий профилактик эмлаш режасини амалга ошириш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Йиғилишда туман ҳокими Арман Сабитов “Қарабулак” туман касалхонасида санитария-эпидемиология талабларига жавоб берадиган юқумли касалликлар бўлими, бактериологик ва бакскопия лабораторияларини очиш, юқумли ка-

салликларга қарши мажбурий профилактик эмлашдан сўнг беморларни иммунолог кўригидан ўтказиш, зарур тиббий ёрдам кўрсатиш, инфекцияларнинг олдини олиш, аҳоли учун хавфсиз тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш масалаларини қатъий назоратга олиб, тизимли ишлар юритишни топширди.

Туман ҳокимининг
матбуот хизмати.

»» Брифинг

Вилоятимизда қишлоқ хўжалиги экинлари майдони ўтган йилга нисбатан 3,4 минг гектарга ортиб, 873 минг гектарни ташкил этди.

Бу ҳақда Туркистон вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси раҳбарининг ўринбосари Алибек Паллов маълум қилди. Рангбаранг-лаштириш тамойилларига кўра, озиқ-овқат экинлари майдони 7,8 минг гектарга, озуқабоп экинлар 4,2 минг гектарга, сабзавот, картошка, боғдорчилик экинлари 2,6 минг гектарга кўпайди, пахта майдонлари эса 6,4 минг гектарга қисқариб, мойли экинлар 6,4 минг гектарга қисқаради.

Шу кунларда ерни экишга тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда. 29 минг гектар майдонга ёзги экинлар экилди. 6 минг гектар майдонга қарам, 12 минг гектар майдонга беда, 7 минг гектар майдонга боғ, 4 минг гектар

ЭКИН МАЙДОНЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

майдонга нўхот экилди. Ер ҳайдаш ишлари 95 фоиз, шўрхоқ ерларни ювиш ишлари 92 фоизга бажарилди. Жорий йилда вилоятдаги ийрик сув ҳавзалари сув билан тўлдирилди ва эҳтиёжга кўра сув чиқарилмоқда.

Хусусан, «Беген» сув омборида 363,3 млн. м³ сув бор ёки 98,2 фоиз. Сув сониясига – 50 м³дан юборилаяпти. «Қосқорған» сув омборида 36,3 млн. м³ сув бор ёки 97,4 фоизни ташкил этади. Юборилаётган сув ҳажми сониясига 22 м³ни ташкил этади. Шу билан бирга, Чордара сув омборида 4,8 млрд.м³ сув бўлиб, у 92 фоизни ташкил этади. Ундан сониясига 630 м³ сув юборилаяпти.

Деҳқонлар ёзги экинлар уруғи билан тўлиқ таъминланган. 10,4 минг тонна бошоқли экинлар, 1,5 минг тон-

на махсари, 5,2 минг тонна пахта чигити ва 0,9 минг тонна беда уруғлари мавжуд. 0,9 минг тонна жўхори, 32 минг тонна картошка уруғи синовдан ўтказилмоқда. Савдо компаниялари ва пахта заводлари Ўзбекистон ҳукумати билан 1,9 минг тонна пахта этиштириш бўйича келишувга эришди.

Деҳқонларни минерал ўғитлар билан таъминлаш учун вилоят бюджетидан 7 миллиард тенге маблағ ажратилди. Энергетика вазирлиги томонидан тасдиқланган жадвалга кўра, февраль ойи учун 9 минг тонна, март ойи учун 5300 тонна, апрель ойи учун 1600 тонна, май ойи учун 6 минг тонна ажратилди. Жами дала ишларига мавжуд техникаларнинг 95 фоизи тайёр, жумладан, уларнинг 11,5 мингтаси трактор.



ТУРКИСТОНЛИКЛАР ЧЕМПИОН

Ақтов шаҳрида 23-30 март кунлари ошиқ отишдан ўсмирлар ўртасида Қозоғистон чемпионати ўтди.

Миллий қадриятларимизнинг тикланиши ва ёшлар қалбида ватанпарварлик ҳиссини янада кучайтиришга ҳисса қўшадиган спортнинг тури бугунги кунда ривожланмоқда. Ошиқ отишдан ўтган мамлакат биринчилигида республикадан 18та жамоа иштирок этиб, мерганлар бош соврин учун беллашишди.

Натижада, Туркистон вилоятининг ўғил болалар жамоаси 1-ўринни эгаллаб, бош совринни қўлга киритишди. Қизлар жамоаси жамоавий кўрсаткичда 2-ўринни эгаллашди.

УДДАБУРОН ТАДБИРКОР



Келеслик тадбиркор Талғат Наби ёғочдан уй жиҳозлари ясаб, ойига 1 миллион тенгедан зиёд даромад топмоқда.

Хомашёни Россиядан буюртма асосида келтирмоқда. Хусусий цехда 5 киши иш билан таъминланган. Тадбиркорнинг айтишича, буюртманинг 80 фоизи ошона жиҳозлари. Шунингдек, уста ойига 10га яқин жиҳоз тайёрлаб, юртимизнинг барча ҳудудларига етказиб беради. Ушбу ҳунар билан 7 йилдан буён шуғулланиб келаётган уста жорий йилда цехни кенгайтиришни режалашмоқда.

>>> Булоқ кўрсанг, кўзини оч

ФАРЗАНДИГА ТЎҒРИ ТАРБИЯ БЕРГАН ОТА

ЁКИ БЕШ ЁШИДА СМАРТФОНМАС, ШАҲМАТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИБ,
ЕТТИ ЁШИДА ЧЕМПИОН БЎЛГАН НУРИСЛОМ



Тўнғичи – Амина тўққиз, ўғли Нурислом етти, Мадина уч ёшда. Мақоламиз Нурислом ҳақида. Барча тенгқурлари сингари у ҳам мурғаклигидан смартфонга ўч бўлиб ўсди. Отаси бу ҳақда кўп ўйланди. Ўзгалардан фарқли равишда бу муаммага юзаки қарамади. Дастлаб, ўғлига кичик ҳажмдаги математика масалаларини ечишни, сўнгра шахмат ўйинини ўргатди. Қисқа муддатда шахматни теран ўзлаштирган Нурислом бу соҳада иқтидор соҳиби эканлигини намоён қила олди. У дастлаб қишлоқ, туман, сўнгра вилоят шахмат чемпионатида иштирок этиб, ғолиб бўлди. Беш ёшли Нурисломдаги иқтидорни пайқаган отаси уни Қозғоғистон чемпиони, мураббий Қуанишбек Жумадилаевга шогирдликка берди. Ақл ёшда эмас, бошда эканлигини амалда исботлаган Нурислом вилоят чемпионлигини кўлга киритиб, республика чемпионатида йўлланма олди. Республикада иккинчи ўринни эгаллаб, Тошкентда ўтадиган Осиё чемпионатида йўлланма олди. Тошкентда фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, қумуш медаль билан тақдирланган

Туркистон шаҳрида истиқомат қилувчи олий тоифали ҳуқуқшунос Бобир Султонхон ўғли умр йўлдоши Шахло Нурпўлат қизи билан уч фарзанд тарбиялашмоқда.



Нурислом Бирлашган Араб Амирликларидаги Аль Айн шаҳрида ғолибликка эришиб, жaxon чемпионатида йўлланма олди.

Айни пайтда етти ёшдаги Нурислом шу йил 25 августда Албанияда ўтадиган шахмат бўйича жaxon чемпионатида ҳозирлик кўрмоқда. “Булоқ кўрсанг кўзини оч”, дейди доно халқимиз. Ўғлини смартфонга мутелиқдан халос қилиб, иқтидорини англаб, тўғри йўналиш берган Бобир Султонхон ўғли барча муштарийларимизга ибрат. Эндигина етти ёшга тўлган бўлса ҳам Осиё биринчилигида фахрли ўринларни енгиб олган иқтидорли шахматчининг фахрий ёрлиқ, медаль ва кубоклари анчагина. Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Райимжон Қўчқоров Нурислом ва отасини А. Ясавий номидаги китобсеварлар клубига тақлиф қилди. Ибратли

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Нурислом Бобир ўғли; ота-онаси билан; Бирлашган Араб Амирликларида.

Муаллиф суратга олган.

БУЮК ҒАЛАБАГА БАҒИШЛАНГАН ШАНБАЛИК



туман фахрийлар кенгаши раиси А. Шинғисбаев. – Байрам арафасида машъум урушда ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирланиб, фахрийлар ва уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олинади, уларга меҳр-муруват ва эҳтиром кўрсатилади. Буларнинг барчаси истиқлолимизнинг энг буюк неъматидир, деб биламан. Келажак авлод-

лар уруш кўрмай ўсаётганидан қалбимда севинч туйғулари уйғониб, фахр-ифтихорга тўлиб кетаман. Улуғ Ватан уруши иштирокчилари билан кўп суҳбатда бўлганман, улар айтиб берган унутилмас воқеалар кўз ўнгимдан бирма-бир ўтар экан, қанчадан-қанча ҳамқишлоқларимнинг фидойи меҳнатлари ҳамда жанг майдонларида кўр-

сатган қахрамонликлари, Ватан тинчлиги учун курашда ўз жонини фидо қилган инсонларнинг ёрқин сиймоси кўз олдимга келади. Истагим, юртимиз доимо тинч бўлсин.

– Улуғ Ватан уруши йилларида халқимиз ғалабани яқинлаштириш учун фронт ортида ҳам мардонвор меҳнат қилди, – деди туман маслаҳати раиси Н. Қўйбағаров. – Бундай оғир шaroитларда минглаб юртдошларимиз бурчига садоқат намуналарини кўрсатдилар. Улар жанговар вазифаларни шараф билан адо этишди. Шунинг учун мўтабаб фахрийларимизни эъзозлаб барчамизнинг инсонийлик бурчимиздир.

Туман фахрийлар кенгашидан келган гуруҳ фахрийлар хийбонига дарахтлар ўтказди.

Умумхалқ шанбаликда Ал Форобий номи мактаб жамоаси ҳам фаол иштирок этди.

Б. ДЎСМАТОВА.

>>> Хотирабод

УСТОЗ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ



Туркистон шаҳридаги Ҳусан Диметов раҳбарлик қилаётган, обундада фаол 13-сонли мактаб-гимназиянинг ўтган йили фойдаланишга топширилган замонавий спорт майдончасида узоқ йиллар жисмоний тарбия йўналишида иқтидорли шогирдлар тарбиялаб, самарали фаолият юритган, меҳнати муносиб тақдирланган марҳум Жумагелди Шегебаев хотирасига бағишланган футбол биринчилиги ташкил этилди.

Ҳамкасблари, шогирдлари, Ж. Шегебаевни таниган ва қадрлаган барча инсонлар у ҳақида фақат илқ хотиралари билан ўртоқлашди. “Орта қолган из яхши”, деганларидек, ўз касбини эъзозлаб, элда қадр топган устознинг иқтидорли ҳамкасби, шогирди Шерали Тўрахоновнинг саъй-ҳаракатлари билан самарали уюштирилган ушбу мусобақада шаҳар биринчилигида ғолиб чиққан 4-синф ўқувчилари иштирок этишди. Муваффақиятли тўп сурган ғолиб жамоаларга мактаб маъмуриятининг ташаккур-

нома ва дипломлари тақдим этилди.

Туркий оламнинг маънавий пойтахти – Туркистон шаҳридаги 93 йиллик тарихга эга А. Навоий номи мактабда мана шундай маънавий-маърифий аҳамиятга молик оммавий тадбирлар кўпроқ ташкил этилса, барча учун манфаатли бўларди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Шерали ТЎРАХОНОВ суратга олган.

ЎН КУНЛИК ДОИРАСИДА



Сайрам туманидаги 92-сонли “Ақсу” умумтаълим мактабида рус тили ва адабиёти бирлашмасининг ўн кунлиги доирасида “Мой Казахстан – мой родной край” мавзуйда маданий-маърифий тадбир ўтди.

Мақсад – ўқувчиларнинг рус тили дарсларида олган билимларини мустаҳкамлаш, уларда тилга қизиқиш уйғотиш. Тадбирда мактаб директори

М. Шоимов сўзга чиқиб, рус тили бутун дунёда халқаро тил ҳисобланиб, унда кўплаб миллатлар сўзлашади, тилнинг бойлиги, уни янада мукамал ўзлаштирган инсон улкан муваффақиятларга эришини таъкидлади.

Рус миллий либосларидаги ўқувчилар шеърлар ёдлаб, куй ва қўшиқлар ижро этишди ва рақсга тушдилар. Шунингдек, Ватан, она ва тинчликка бағиш-

ланган шеърларни рус тилида ёд олишди.

Рус тили ўқувчилари Б. Абдураимова ўқувчиларга буюк рус адиби А. Пушкиннинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида гапириб берса, М. Йўлдошбекова шоир Есенин ижодидан намуналар ўқиб берди. Бошқа ўқувчилар рус тилидаги мақол ва маталларни ёд олишди.

М. УСМОНОВА.



Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхан БҮРҒОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Тўлебий – Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулқибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетсай, Мақтаарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригонч – Малика ЭЛПОЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозғоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўрилиши учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
KZ34VPY00022503 сувоҳнома берилган.

«ERNUR-online» МЧБ Ўзбекистонда чоп этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шохқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсатқичи – 65466.

Адади – 11700 нусха.

Бўғормак: 803.

Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛПОЕВА.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.